



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

2019 йил “1” май

№ 391

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар**  
**Маҳкамасининг 2019 йил 27 апрелдаги**  
**360-сон қарори ижросини таъминлаш**  
**тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 27 апрелдаги 360-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик хузуридаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 27 апрелдаги 360-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов), олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш, ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш жараёнларини мазкур қарорга мувофиқ белгиланаётган нормаларга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

3. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига: олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларини мазкур қарор мазмун-моҳияти билан таништириш;

қабул комиссияси фаолиятини мазкур қарорни инобатга олган ҳолда юқори савияда ташкил этиш;

III

мазкур қарорни қабул комиссиялари фаолият кўрсатадиган жойлардаги эълонлар тахтасига ҳаммага кўринарли ҳолатда илиб қўйиш ва абитуриентларнинг (ота-оналарининг) ушбу қарор билан белгиланаётган тартиблар бўйича саволлари юзасидан аниқ тушунча ва маслаҳатлар бериш бўйича тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 27 апрелдаги 360-сон қарорини ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б.



У.Бегимқулов